

---

## Данғара тумани ҳокимлиги матбуот хизматининг расмий жавоби.

Телеграм ижтимоий тармоғининг “ELTUZ” канали орқали “Махалла ахлини безор қилган товукхона” сарловхаси остида чиқарилган мақола юзасидан Данғара тумани ҳокимлиги матбуот хизматининг расмий жавоби.

Данғара тумани Санитария Эпидемиологик Осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими мақола юзасидан жойига чиқиб ўрганиш ўтказилди.

Найманча МФЙ Жар қишлоғида жойлашган паррандачилик фермаси атрофида жойлашган аҳоли билан учрашув ўтказилди.

Ушбу учрашувда туман СЭОваЖСБ бошлиғи в/б У.Дехқонов, бир гуруҳ СЭОваЖСБ ходимлари, паррандачилик фермаси раҳбари Ғ.Рахимов ва махаллада яшовчи 10 дан ортиқ аҳоли вакиллари иштрок этди.

Учрашувда ушбу мақола ўқиб эшитрилди, аҳолининг ушбу мақола тўғрисида ҳеч қандай хабари йўқлиги, ёзган фуқаронинг билмаслиги аниқланди. Шунингдек паррандачилик фермаси раҳбари ҳамда йиғилган аҳолига, парранда боқиш учун санитария талаблари тўғрисида тушунтириш берилди.

Шунингдек мақолада туман СЭОваЖСБ бошлиғи ҳамда ходимлари тўғрисида келтирилган маълумотлар асосиз эканлиги маълум қилинади. Мазкур хабарлар ёлғон ва ҳақиқатга мос келмайди.

Эслатиб ўтамир, аҳоли ўртасида ёлғон ахборот тарқатганлик учун жавобгарлик мавжуд.

2024-06-07 18:57:03